

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАЁРОВ РАВШАН АЛИЕВИЧ**

**ҲУДУДИЙ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ**  
**ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.11 – Маркетинг**  
**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Аллаёров Равшан Алиевич**

Худудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегияси .....3

**Аллаёров Равшан Алиевич**

Маркетинговая стратегия эффективного использования региональных туристских ресурсов .....25

**Allayevov Ravshan Alievich**

Marketing strategy of effective use of regional tourist resources .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**АЛЛАЁРОВ РАВШАН АЛИЕВИЧ**

**ҲУДУДИЙ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ**  
**ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.11 – Маркетинг**  
**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси** ...лар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида **B2021.I.PhD/Iqt675** рақам билан  
рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифаси ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «Ziyouev» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyouev.uz](http://www.ziyouev.uz))  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Алимова Машхура Тоирхоновна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эшгаев Алишер Абдуганиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Сафарова Нилуфар Незматиллаевна иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий  
даражалар берувчи DSc 03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгаш асосида бирмарталик илмий  
кенгашнинг 2023 йил «Н» 01 кунин соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил:  
100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-01-49; Факс: (99871) 239-  
41-23, e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz).


Диссертация иши билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (12/14 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент  
шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75; Факс: (99871) 239-28-75,  
e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» 12 кунин тарқатилди  
(2022 йил «30» 12 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



  
Г.К. Абдурахманова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
асосида бир марталик илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

  
Р.Х. Карлибаева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
асосида бир марталик илмий кенгаш  
хотиби, и.ф.д., профессор

  
Ш.Дж. Эргашоджаева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
конисидаги бир марталик илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобал рақобатнинг кучайиши шароитида туризм мазкур тармоқдаги хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улуши натижасида жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. COVID-19 пандемиясининг таъсирида туризм 2020 йилда ўз ривожланиши давридаги энг катта инқирозни бошидан кечирди ҳамда халқаро туристик оқимнинг ўтган йилга нисбатан 74 фоизга камайишига сабаб бўлди. Аммо соҳага хос тикланиш хусусияти туфайли юқори туристик солоҳиятга эга алоҳида мамлакат ва ҳудудларда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида қайта гавдаланмоқда. Туризм ва саёҳатлар бўйича бутунжаҳон Кенгашининг маълумотларига кўра, 2021 йилда туризмнинг миллий иқтисодиётдаги улуши «Францияда – 6,5%, Юнонистонда – 14,9%, Испанияда – 8,5%, Италияда – 9,1%, Португалияда – 10,9%, Туркияда – 7,3%ни ташкил этган»<sup>1</sup>. Мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган замонавий маркетинг дастакларидан фойдаланган ҳолда туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш орқали юқори ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришилмоқда.

Жаҳонда маркетинг дастакларидан самарали фойдаланиш асосида туризмни жадал ривожлантириш ҳамда соҳанинг алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрнини ошириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиёт муҳитида ҳудудларнинг туристик ресурс салоҳиятини баҳолаш, туристик ресурсларнинг дифференциацияси асосида туристик маҳсулотларни диверсификациялаш, туристик ресурслар реестри ва кадастрини ишлаб чиқиш, ҳудудий геоахборот тизимини шакллантириш, ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишда маркетинг дастакларидан фойдаланишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари сифатида «туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни кўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш»<sup>2</sup> белгиланган. Мазкур масалаларни республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва

<sup>1</sup> <https://wttc.org/research/economic-impact>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 май 2020 йилдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/tu/>

хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, тақдим этилаётган туристик хизматларни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш, туризмнинг ривожланиш самарадорлигини ҳудудларнинг мавжуд туристик салоҳиятидан, маркетинг дастакларидан кенг ва самарали фойдаланиш асосида ошириш, шунингдек, туристик кластерлар механизмларидан ҳудудларнинг мавжуд туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш орқали ечимини топиш алоҳида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон «Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туристик ҳудуднинг илмий-назарий моҳияти, уни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари, шунингдек туристик ресурслар, уларни дифференциациялаш ва классификациялашнинг илмий-назарий жабҳалари, ҳудуд туристик салоҳиятини уни баҳолаш ва самарали фойдаланишнинг назарий-методологик асослари А.Ю.Александрова, А.М.Гаврилов, Н.Н.Зубакова, П.И.Караневский, М.А.Морозов, Е.И.Богданов, Ю.А.Худеньких, А.Н.Дунец, Е.П.Крупочкин, А.А.Тельцова, Е.О.Ушакова, И.И.Золатарев, С.А.Вдовин, А.Г.Асмелаш, С.Кумар, А.Авила-Робинсон, Н.Вакабаяши, М.Кантейро, Ф.Кордово-Тапиа, А.Бразейрок<sup>3</sup> каби хорижлик олимларнинг илмий

---

<sup>3</sup> Александрова А.Ю. География туризма: учебник / Александрова А.Ю., под ред., Христов Т.Т. – Москва: КноРус, 2020. – 592 с.; Гаврилова, С. В. Организация туристического и гостиничного бизнеса: учебно-методический комплекс / С. В. Гаврилова, А. Г. Томская, А. В. Дмитриев. – Москва: Евразийский открытый институт, 2011. – 357 с.; Зубакова Н.Н. Организационный механизм формирования кадастра туристских ресурсов: автореф. дис. ...канд. экон. наук / Н.Н. Зубакова, специальность 08.00.05 - Экономика и управление народным хозяйством. - М., 2011. - 22 с.; Караневский, П. И. Комплексная методика оценки потенциала культурных и природных объектов туризма / П. И. Караневский // Туризм и региональное развитие. Вып. 5. 2007. С. 24–25; Экономика туризма: учебник / М.А.Морозов, Н.С.Морозова, Г.А. Карпова, Л.В.Хорева. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 320 с.; Bogdanov E.I. (2005). Planirovanie na predpriyatii turizma [Planning for a tourism enterprise]. Saint-Petersburg.: Biznes-prensa Publ, 288. (In Russ.); Khudenkikh, Yu. A. (2006). Podkhody k otsenke turistskogo potentsiala territorii na primere rayonov Permskogo

ишларида кўриб чиқилган. Н.А.Восколович, А.П.Дурович, С.Бриггс, Ф.Котлер, Дж.Боуэн, Дж.Мейкенз, Г.А.Папирян, Ю.А.Пшеничных, В.А.Квартальнов, А.Э.Саак<sup>4</sup> каби олимларнинг илмий асарларида туризм маркетинги, туризм соҳасида амалга оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Миллий иқтисодий тизимнинг турли соҳа ва тармоқларида маркетинг концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари А.Ш.Бекмуродов, М.С.Қосимова, Ш.Д.Эргашходжаева, М.Болтабоев, М.А.Икрамов, А.А.Фаттахов, А.Солиев, И.Иватов, К.А.Алимов, Р.Х.Алимов, Ф.М.Назарова, Л.Т.Абдухалилова, З.А.Хакимов, Д.Х.Холмаматов, А.Х.Эргашев, С.А.Эшматов<sup>5</sup> ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга оид ҳудудий ёндашувлар, туристик ресурслардан фойдаланиш масалалари Б.Н.Навруз-Зода, М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.Х.Асланова,

---

kraya Geografiya i turizm: sbornik nauchnykh trudov [Geography and tourism: a collection of scientific papers], 217-230. (In Russ.); Dunets A.N., Krupochkin E.P. & Teltsova A.A. (2011). Otsenka turistsko-rekreatsionnogo potentsiala dlya tseyey ter-ritorialnogo planirovaniya [Estimation of Tourist-recreational Potential for the Purposes of Territorial Planning]. Izvestiya Altayskogo gosudarstvennogo universiteta [Izvestiya of Altai State University], 3-2(71), 108-113. (In Russ.); Ushakova E.O., Zolotarev I.I. & Vdovin S.A. (2014). Metodologicheskie osnovy otsenki resursov razvitiya turizma regiona [Methodological basis for assessing the resources of tourism development in the region]. Novosibirsk: SGGG Publ., 194. (In Russ.); Asmelash A.G. & Kumar S. (2019). Assessing progress of tourism sustainability: Developing and validating sustain-ability indicators. *Tourism Management*, 71, 67-83. DOI: 10.1016/j.tourman.2018.09.020; Avila-Robinson A. & Wakabayashi N. (2018). Changes in the structures and directions of destination management and marketing research: A bibliometric mapping study, 2005-2016. *Journal of Destination Marketing & Management*, 10, 101-111. DOI: 10.1016/j.jdmm.2018.06.005.; Canteiro, M., Cordova-Tapia F. & Brazeiroc A. (2018). Tourism impact assessment: A tool to evaluate the environmental impacts of touristic activities in Natural Protected Areas. *Tourism Management Perspectives*, 28, 220-227. DOI: 10.1016/j.tmp.2018.09.007.

4 Восколович Н.А. Маркетинг туристских услуг. – М.: ТЕИС, 2001; Дурович А. Маркетинг в туризме: учеб. пособие. 2-е изд., перераб. и доп. - Минск: Новое знание, 2001. – 473 с.; Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: учебник для вузов. Второе издание. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2002. – 1063 с.; Сьюзен Бриггс. Маркетинг в туризме. - К.: Знання-Прес, 2005. - 358 с.; Папирян Г.А. Маркетинг в туризме. – М.: Финансы и статистика, 2002; Квартальнов В.А. Менеджмент и маркетинг в социально-культурной сфере. Учеб. пособие. 2-е изд. - СПб.: Книжный дом, 2003. – 644 с.; Саак А.Э., Пшеничных Ю.А. Маркетинг в социально-культурном сервисе и туризме. Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2007. - 480 с.

<sup>5</sup> Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. 2006, 47 с.; Бекмуродов А.Ш., Косимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж. Стратегический маркетинг. Учебное пособие. – Т.: ТДИУ, 2010. – 161 с.; Косимова М.С., Эргашходжаева Ш.Д. Маркетинг. Учебн. пос. – Т.: ТДИУ, 2004.; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223-б.; Икрамов М.А., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: – Иқтисодийёт, 2017 й. 418 б.; Эргашходжаева Ш.Ж., А.Солиев, А.Фаттахов, М.Юнусов. Проблемы использования теоретико-методологических основ маркетинга в процессе реализации стратегий действий. <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/05/39>; Алимов К.А., Алимов Р.Х. ва бошқ. Тадбиркорлик маркетинги. –Т.: Фан, 2001. – 127 б.; 2006. – 42 б.; Иватов И. Хусусий тадбиркорлик ва маркетинг // Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2001, 6-сон. Б.19-21.; Назарова Ф.М. Ўзбекистон аграр секторини ривожлантириш истиқболлари дис. автореф. ... иқт. фан. номз. – Т.: ЎзБИТТИ, 2001. – 24 б.; З.А.Хакимов. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлиги маркетинг стратегиялари асосида ошириш. 08.00.11-Маркетинг. Иқт. ф. б. ... (PhD) диссертацияси. ТДИУ. 2018 й.; Д.Х.Холмаматов. Иқтисодий тизимнинг модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида улгуржи савдода маркетингнинг сервис стратегиясини такомиллаштириш. 0800.11-Маркетинг. Иқт. ф. б. ... (PhD) диссертацияси. ТДИУ.2019й.; А.Х.Эргашев. Ҳудудларни инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш истиқболлари (Фарғона вилояти мисолида). 08.00.11-Маркетинг, 08.00.07.-Молия, пул муомаласи ва кредит. и.ф.б. фалсафа доктори PhD .... диссертация. ТДИУ. 2018й.; С.А.Эшматов. Маҳаллий брендни шакллантиришнинг маркетинг стратегияси (сут ва сут махсулотлари мисолида). 08.00.11-Маркетинг. и.ф.б. фалсафа доктори PhD .... диссертация. ТДИУ.2020й.

Б.Х.Тўраев, Н.Э.Ибадуллаев, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, З.О.Рахимов, Г.А.Алимова, З.И.Усманова<sup>6</sup> каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқотлари ушбу йўналишда қилинган илмий ишлар ичида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Аммо, ҳудуд туристик салоҳиятини баҳолаш, ҳамда унга мос стратегияни амалга ошириш асосида соҳани жадал ривожлантириш масалалари ушбу тадқиқотларда етарли даражада аксини топмаган. Юқорида қайд этилган фикрлар тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170929749 «Самарқанд вилоятида туристик эркин иқтисодий ҳудудни яратиш стратегияси» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегияси бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«туристик ресурслар» категориясининг моҳияти ва унинг таркибини классификациялаш бўйича назарий ёндашувларни тадқиқ этиш асосида муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш;

иқтисодчи олимларнинг «ҳудудий маркетинг» тушунчасига ишлаб чиқилган таърифларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш, ҳамда ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш тизимида ҳудудий маркетингнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

туристик ҳудудни ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича хорижий тажрибани тадқиқ этиш ҳамда

---

6 Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017 – 156 б.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. “Зарафшон” нашриёти. 2017. – 300 б.; Асланова Д.Х. Региональный туристский кластер: сущность и проблемы его эффективного функционирования. Монография. / Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. – Самарқанд: Zarafshon, 2017. – 225 с.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида): и.ф.н..... диссертация. - С.: СамИСИ, 2010.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): и.ф.д..... диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. – 265 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. – Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 б.; Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш (Самарқанд шаҳри мисолида): и.ф.н..... диссертация. - С.: СамИСИ, 2012.; Алимова Г.А. Рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш (Тошкент вилояти мисолида): и.ф.б. фалсафа доктори PhD .... диссертация. - Т.: ЎзМУ, 2019.; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: и.ф.б. фалсафа доктори PhD .... диссертация. - С.: СамИСИ, 2018.

туризм соҳасида ҳудудий маркетинг стратегиясини амалга ошириш хусусиятларини ўрганиш;

туристик ресурслар салоҳиятини баҳолашнинг назарий-методик асосларини тадқиқ этиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари ҳамда алоҳида ҳудудлари туристик ресурс салоҳиятини таҳлил қилиш;

Самарқанд вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси, ҳамда уни амалга оширишда кластерлаштириш механизмидан фойдаланиш бўйича илмий-амалий ва илмий-услубий таклифлар ишлаб чиқиш;

Самарқанд вилояти алоҳида туристик ҳудудларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

Самарқанд вилоятида туризм соҳаси ривожланишини прогнозлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд вилояти туризм бозори иштирокчилари фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, бенчмаркинг, иқтисодий-математик усуллар, жумладан, регрессион ва экстрополяция таҳлили усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

услубий ёндашувга кўра «туристик ресурслар» тушунчасининг моҳияти маълум бир ҳудудга тегишлилиги ва мажмуавий бирлик орқали намоён бўлиши асносида синергетик самарани юзага келтирувчи табиий-иқлим, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар мажмуи сифатидаги ёндашувига кўра такомиллаштирилган;

Самарқанд вилояти ҳудудларининг туристик ресурсларини меъёрлаштирилган индексларнинг солиштирма салмоқлари асосида аниқланган ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичининг ( $TSP=1,93-3,47$ ) қийматлари чегарасида туризм соҳасини диверсификациялаш позицияси орқали манзилли дастурларни ишлаб чиқиш таклифи асосланган;

Самарқанд вилояти ҳудудларида туристик ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида 2026 йилга қадар ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

туризм соҳасида ҳудуд имижини, ҳудудий туристик маҳсулот, диққатга сазовор жойлар, персонал ва аҳоли, ҳудудий туристик инфратузилма, ҳудуд жозибadorлиги унсурларидан иборат «7P» маркетинг комплексига асосланган ҳудудий маркетинг стратегиясини амалга ошириш асосида вилоятга ташриф буюрадиган туристлар сонининг ўртача йиллик 26 фоизга қадар ўсиш чегараси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туризм соҳасида «худудий маркетинг» тушунчасининг худудий ресурслар истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш имкониятларини, худудни ривожлантириш нисбатлари ва алоқаларини ўзаро мувофиқлаштириш инobatга олинган янги таҳрирдаги такомиллаштирилган таърифи ишлаб чиқилган;

«Самарқанд вилояти туристик салоҳияти» интерактив электрон хариталар мажмуининг дастурий таъминоти ва маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

кластерли ёндашув асосида Самарқанд вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган;

туризмнинг алоҳида турлари (тарихий-маданий туризм, зиёрат туризми, агро-экотуризм, этнографик туризм, тоғ-экстремал туризми, рекреацион туризм) бўйича худудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичлари қийматлари аниқланган;

худудий туристик ресурслар кадастри ва реестри, интерактив электрон хариталар, туристик маълумотлар базаси ва интерактив электрон платформа қамраб олинган туризм соҳасида геоахборот тизимини шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилоятида тарихий-маданий туризм, зиёрат туризми, агро-экотуризм, этнографик туризм, тоғ-экстремал туризми, рекреацион туризмни ривожлантириш бўйича манзилли электрон хариталар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлил жараёнида Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Туризм ва саёҳатлар бўйича Жаҳон Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туристик ҳудуд ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий, илмий-услубий натижалари бўйича олинган илмий хулосалардан ушбу йўналишга оид методологик-услубий аппаратни, алоҳида худудлар туристик ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришда, келтирилган услубий ёндашувлар асосида алоҳида туристик худудлар ресурс салоҳиятини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан туризм соҳаси субъектларининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, республикада алоҳида туристик худудлар рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини, худудий маркетинг тадбирлари режасини, туризм соҳасини ривожлантириш самарали стратегиясини, туризм соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб

чиқиш ва уларнинг ижроси мониторингини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Худудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

услубий ёндашувга кўра маълум бир худудга тегишлилиги ва мажмуавий бирлик орқали намоён бўлиши асосида синергетик самарани юзага келтирувчи табиий-иқлим, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар мажмуи сифатидаги ёндашувига кўра такомиллаштирилган «туристик ресурслар» тушунчасининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қароридаги Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги 04-18/4379-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида худудий маркетинг стратегияларини илмий асосланган шаклда ишлаб чиқиш имкони яратилган;

Самарқанд вилояти худудларининг туристик ресурсларини меъёрлаштирилган индексларнинг солиштирма салмоқлари асосида аниқланган худудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичининг ( $TSP=1,93-3,47$ ) қийматлари чегарасида туризм соҳасини диверсификациялаш позицияси орқали манзилли дастурларни ишлаб чиқиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон қароридаги Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ижроси мониторингида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги 04-18/4379-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида худудларнинг туристик салоҳияти рейтингдан келиб чиқиб, мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш имкони кенгайган;

Самарқанд вилояти худудларида туристик ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида 2026 йилга қадар ишлаб чиқилган ривожланишнинг прогноз кўрсаткичлари Самарқанд вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги 04-18/4379-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Самарқанд вилоятида узоқ муддатли истиқболда туристик ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий параметрлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш имкони яратилган;

туризм соҳасида худуд имижини, худудий туристик маҳсулот, диққатга сазовор жойлар, персонал ва аҳоли, худудий туристик инфратузилма, худуд жозибadorлиги унсурларидан иборат «7P» маркетинг комплексига асосланган худудий маркетинг стратегиясини амалга ошириш асосида вилоятга ташриф буюрадиган туристлар сонининг ўртача йиллик 26 фоизга

қадар ўсиш чегараси аниқлаш таклифи Самарқанд вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 23 августдаги 04-18/4379-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида туризм соҳасини ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, илм-фан ва таълим, хусусий бизнес ҳамкорлиги механизмини шакллантириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этди.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Худудий туристик ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маркетинг стратегиясининг назарий-методик асослари»** тадқиқ этилган бўлиб, туристик ресурсларнинг моҳияти ва таркибини тавсифловчи назарий ёндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида «туристик ресурс» тушунчасининг такомиллашган таърифи ва классификацияси ишлаб чиқилган. Шунингдек, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тизимида худудий маркетинг моҳияти ва аҳамиятини тадқиқ этиш орқали «худудий маркетинг» тушунчасининг такомиллаштирилган таърифи, ҳамда худудий маркетингни амалга ошириш алгоритми ва туризм соҳасида худудий маркетинг стратегиясини амалга оширишнинг концептуал модели ишлаб чиқилган. Худудий туристик ресурслар салоҳиятини баҳолашнинг методик асослари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Диссертация ишида ватанимиз ва хорижий олимлар тадқиқотларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, туристик ресурс категориясининг мазмуни ва моҳиятини аниқлаштириш бўйича уч хил, хусусан:

1. Туристтик ресурсларни уларнинг таркиби нуктаи назаридан таърифлаш;
2. Туристтик ресурсларни туристик унсурларнинг ўзаро алоқаси нуктаи назаридан аниқлаштириш;
3. Туристтик ҳудудларни уларнинг ҳудудга боғлиқлиги жиҳатидан туристик ресурсларни аниқлаштириш борасидаги ёндашувларни ажратиб кўрсатиш таклиф этилди.

Демак, «туристик ресурслар» тушунчасини таърифлаш юзасидан мавжуд ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатлари уларнинг таркиби, мажмуавий характерга эгаллиги ва муайян бир ҳудудгагина хослигини ҳисобга олишда намоён бўлади.

Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ресурслар гуруҳини «инфратузилма», «ташкилий-бошқарув ресурслари» (таълим, кадрлар, бошқарув, моддий, молиявий, ахборот, институционал ресурслар) қуйи гуруҳларига ажратиш таклиф қилинди.

Ҳудуд жозибадорлиги ва ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий, меҳнат ва шу каби ресурсларини шакллантириш мақсадида ҳудудни ривожлантириш имкониятларини тизимли ўрганишни йўлга қўйиш зарур. Бу ўринда ҳудуднинг имкониятларини излаб топиш ва унда бошқа ҳудудларга нисбатан ноёб устунликларни шакллантиришга хизмат қилувчи ҳудудий маркетинг муҳим аҳамият касб этади.

Олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда, ҳудудий маркетингнинг асосий мақсади – ҳудуд ресурсларидан фойдаланиш асносида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш борасида ҳудудда маркетинг фаолиятини режалаштириш ва моделлаштиришдан иборат эканлигини таъкидланди.

Фикримизча, ҳудудий маркетинг – бу ҳудудий ресурслар истеъмолчиларининг эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш имкониятларини мувофиқлаштириш бўйича, ривожланишининг ўзаро нисбатлари ва алоқаларини тартибга солиш ва ўзаро мувофиқлаштириш орқали, ҳудудий бошқарув тизими субъектларининг иқтисодий ва бошқарув фаолиятини ўзаро уйғунлаштиришдир.

Муаллифлик ёндашувига кўра, ҳар бир ҳудуд – ҳудудий ривожланиш ва ҳудуд мавқеининг мустақамланишига таъсир кўрсатувчи ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган, табиий, моддий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий ресурслар борасида ўз рақобат афзалликларининг муайян нисбатига эгаллиги билан ажралиб туради.

Ҳудудий маркетинг – минтақада ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларга истеъмолчилар талабини яратиш, қайта шакллантириш ва қондириш жараёнини таъминлайдиган, истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг усуллари, воситалари, тамойиллари ва технологиялари мажмуидир. Бундан кўриниб турибдики, ҳудуд доирасида маркетингдан фойдаланишнинг иқтисодий мазмуни энг юқори тижорий самара олиш мумкин бўлган бозорларда хизмат ва товарларнинг кириб келиши ва сотилишини рағбатлантириш, ҳудудий товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг мобиллигини

кучайтириш, ҳудудий ишлаб чиқариш фондларининг фонд қайтимини тезлаштириш борасида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришдан иборатдир.

Туризм маркетинги масалаларига бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар ва ҳудудлар томонидан туризм маркетинги стратегияларини амалга ошириш борасида тўпланган амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, ҳудуд даражасида қўлланилиши мумкин бўлган стратегияларнинг таснифи ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм. Ҳудудда туризм маркетинги стратегияларини таснифлаш<sup>7</sup>**

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

Тадқиқот натижасида туристик ҳудуд маркетингининг қўйидаги стратегик йўналишларда амалга оширилиши лозимлиги илмий асослаб берилди:


- 1) ҳудуд имижини маркетинги;
- 2) туристик инфратузилма маркетинги;
- 3) ҳудудий туристик маҳсулот маркетинги;
- 4) диққатга сазовор жойлар маркетинги;
- 5) туристик ресурслар маркетинги;
- 6) персонал маркетинги;
- 7) ҳудуд жозибадорлигини маркетинги.

Ишда туристик ресурслар салоҳиятини баҳолашнинг назарий-методик асослари тадқиқ этилиб, алоҳида туристик ресурсларни баҳолаш борасидаги услубий ёндашувларни таҳлил қилиш миқдор ва сифат ёндашувларининг бирлигидан келиб чиққан ҳолда, комплекс ёндашувни талаб қилиши эътироф этилди. Туризм соҳасини ривожлантириш борасида ҳудуд салоҳиятини баҳолаш усулини танлашда ташкилий-бошқарув вазифаларининг статистик жиҳатдан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиш лозим. Ҳудудларнинг ресурс салоҳияти унсурлари таркибига табиий-иқлим, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва институционал ресурсларни киритиш мақсадга мувофиқ саналади. Ҳудудий туристик ресурслар салоҳиятини баҳолашда туристик ресурслар жозибадорлиги омилига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги хулоса қилинди.

Диссертациянинг «**Самарқанд вилояти ҳудудлари туристик ресурс салоҳияти таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари ҳамда Самарқанд вилоятининг алоҳида ҳудудлари туристик ресурс салоҳияти таҳлили амалга оширилиб, туристик ҳудуд ресурс салоҳиятини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида мавжуд маданий мерос объектларининг 37,7% Самарқанд вилоятида жойлашган бўлиб, 975 археологик, 581 архитектура, 36 монументал санъат ёдгорликлари ва 34 диққатга сазовор жойлардан иборат. Самарқанд вилояти барча ҳудудларида маданий мерос объектларининг мавжудлиги жойларда туризм соҳасини ҳудуд иқтисодиётининг асосий драйверларидан бирига айлантириш имконини яратмоқда (2-расм).

Туризм соҳасининг муҳим масалаларидан бири табиий-иқлимий, тарихий-маданий, таълимий, ижтимоий ва ички туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида туризмни ривожлантиришга хизмат қиладиган туризм инфратузилмасини яратиш ҳисобланади. Тадқиқотимиз давомида туризм инфратузилмасининг ривожланиши ҳамда уларда хизматлар истеъмолининг ўзгариши тенденциялари тадқиқ этилди.



**2-расм. Самарқанд вилояти ҳудудларида маданий мерос объектларининг тақсимоти, %да<sup>8</sup>**

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида номерлар сони 2744 та, умумий койкалар сони 5679 та бўлган 131 меҳмонхона фаолият юритиб, республика бўйича жами меҳмонхоналар койка юқламасининг 13%ни ташкил қилади. 2010-2021 йй. давомида Самарқанд вилоятида меҳмонхона инфратузилмасининг ривожланиш тенденцияси кузатилган, жумладан меҳмонхоналар ва жойлаштиришнинг бошқа муқобил воситалари 92,6 %га, улардаги жойлар сонининг 89,9 %га ошиши кузатилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Самарқанд вилоятида туризм инфратузилмасининг ривожланиши тенденциялари<sup>9</sup>**

Кўрсаткичлар	2010	2015	2019	2020	2021	2021/2010,%
Туристик ташкилотлар сони, бир.	42	52	68	45	41	97,6
Жами хизмат кўрсатилган сони, киши	17587	23171	56229	17612	7832	44,5
Меҳмонхоналар сони, бир.	68	101	139	143	131	192,6
Уларда: койка фонди (жойлар сони), бир.	2991	4899	5800	6442	5679	189,9
жами жойлаш-лар сони, киши	110868	140420	268367	65054	121398	109,5
шулардан ички туристлар, киши	50322	75769	85819	51674	82798	164,5
Индивидуал жойлаштириш воситалари сони, бир.	0	0	18	17	13	1300
Уларда: койка фонди (жойлар сони), бир.	0	0	190	264	169	16900
жами жойлаш-лар сони, киши	0	0	3251	889	1636	163600
шулардан ички туристлар, киши	0	0	521	309	578	57800
Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари сони, бир.	15	25	39	32	32	213,3
Уларда: койка фонди (жойлар сони), бир.	2105	3379	3636	3367	2939	139,6
жами жойлаш-лар сони, киши	8365	21667	24726	10490	23758	284,0
шулардан ички туристлар, киши	8365	21667	24694	10490	23758	284,0

<sup>8</sup> Самарқанд вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси маълумотлари асосида

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

Меҳмонхоналарнинг асосий жой қуввати Самарқанд шаҳри (94,3 %) ҳамда қисман Самарқанд (2,3 %), Ургут (0,6 %), Булунғур (0,6 %), Нарпай (0,6 %), Тайлоқ (0,6 %), Каттакўрғон (0,6 %) туманлари ва Каттакўрғон (0,6 %) шаҳрига тўғри келиши янги йўналишлардаги туристик маҳсулотларнинг шаклланишига етарли шароит яратмасдан, туристик оқим юкламасининг маълум бир ҳудудларга тушишига сабаб бўлган. Фикримизча, вилоятда оилавий меҳмон уйларига хос жойлаштириш инфратузилмасининг шакллантирилиши ҳудудлар бўйлаб жойлаштириш воситаларининг тенг тақсимланмаганлиги ҳамда оқибатда туристик маҳсулотлар дифференциациясининг сусайиши каби масалаларнинг самарали ечими бўлиши мумкин.

2010-2021 йиллардаги ижобий тенденциялар шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятида ихтисослаштирилган жойлаштириш муассасалари 2,13 маротаба, уларда хизмат кўрсатилган жами туристлар сони эса 2,84 маротабага ошган. Бироқ, ушбу ташкилотларнинг аксарияти хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашмаган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий марос вазирлиги томонидан ҳудудий туризм статистикаси бўйича юритиладиган методологик ёндашувлар ва маълумотларга асосланиб, ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичини аниқлашда 7 та комплекс кўрсаткичга интеграцияланувчи 70 та индексдан фойдаланишни таклиф этдик. Мазкур методикани ишлаб чиқишда бенчмаркинг усулидан фойдаланилди.

Шундан келиб чиқиб, диссертация тадқиқоти давомида туристик салоҳият интеграл кўрсаткичини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Қуйида туристик салоҳият интеграл кўрсаткичини аниқлаш тартиби таклиф этилган:<sup>10</sup>

$$TSP = TS \times w_1 + IS \times w_2 + TI \times w_3 + TJ \times w_4 + \frac{TR_n}{n} \times w_5 + TQ \times w_6 + EQ \times w_7, 0 < HR < 5, (1)$$

Бунда:

$TSP$  – ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи;

$TS$  – ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитлари;

$IS$  – ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги;

$TI$  – ҳудудий туризм инфратузилмасининг ривожланганлик ҳолати;

$TJ$  – ҳудуднинг туристик ресурслари жозибадорлиги;

$TR_n$  – туризмнинг алоҳида турлари бўйича ҳудуднинг туристик ресурслари кўлами (тадқиқотимиз давомида ҳудуднинг тарихий-маданий, зиёрат, рекреацион, тоғ-экстремал, этнографик, агроэкотуризм ресурслари кўлами кўриб чиқилди);

$TQ$  – транспорт қулайлиги;

$EQ$  – экологик қулайлик;

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси

W – комплекс кўрсаткичнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни.

Интеграл кўрсаткичга киритилган ҳар битта комплекс кўрсаткичнинг вазни уларга эксперт баҳолаш усули асосида балларни бириктириш орқали аниқлаш таклиф этилди. Экспертлар томонидан ҳар битта субиндекснинг интеграл кўрсаткичдаги аҳамияти 0-5 балл тизимида баҳоланган.

Маълумки, келтирилган ҳудудий туристик ресурслари салоҳиятини баҳолаш индекслари турли хил ўлчов бирликлари ва ўлчамларга эга. Ушбу кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичга киритишда иқтисодий статистикада меъёрлаштириш (стандартлаштириш) усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичида кенг тарқалган усуллардан бири – бу «минимакс» бўйича чизикли меъёрлаштириш усулидир. Шу сабабли, ҳудудий туристик ресурслар салоҳиятини аниқлаш ва баҳолаш учун келтирилган барча кўрсаткичларни қуйида келтирилган формула ёрдамида меъёрлаштиришни таклиф этдик:<sup>11</sup>

$$I_k = 4 \times \left( \frac{I_f - I_{\min}}{I_{\max} - I_{\min}} \right) + 1, 0 < I_k < 5, (2)$$

Бунда:

$I_k$  – k-чи меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

$I_f$  – кўрсаткичнинг амалдаги қиймати;

$I_{\max}$  – кўрсаткичнинг максимал қиймати;

$I_{\min}$  – кўрсаткичнинг минимал қиймати.

Келтирилган усул ёрдамида ҳудудий рақобатбардошлик индекслари меъёрлаштирилди.

Меъёрлаштирилган индекслар ҳамда уларнинг вазнлари қийматларидан фойдаланиб, ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати Самарқанд вилоятининг алоҳида ҳудудлари учун баҳоланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Самарқанд вилояти ҳудудий туристик ресурслар салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати<sup>12</sup>

Ҳудуд	TS	IS	TI	TJ	TR	TQ	EQ	TSP
Самарқанд ш.	0,39	0,58	0,60	0,55	0,46	0,54	0,35	3,47
Каттақўрғон ш.	0,48	0,27	0,47	0,09	0,23	0,35	0,44	2,33
Оқдарё т.	0,53	0,23	0,53	0,11	0,29	0,55	0,48	2,71
Булунғур т.	0,53	0,22	0,49	0,07	0,35	0,47	0,48	2,62
Жомбой т.	0,53	0,23	0,48	0,08	0,32	0,53	0,48	2,66
Иштихон т.	0,53	0,22	0,46	0,08	0,27	0,41	0,48	2,46
Каттақўрғон т.	0,58	0,21	0,50	0,08	0,30	0,29	0,52	2,48
Қўшработ т.	0,34	0,21	0,51	0,09	0,35	0,27	0,30	2,07
Нарпай т.	0,44	0,21	0,47	0,07	0,27	0,37	0,39	2,22
Нуробод т.	0,58	0,27	0,64	0,19	0,38	0,46	0,52	3,03
Пайариқ т.	0,58	0,21	0,56	0,07	0,25	0,33	0,52	2,52
Пастдарғом т.	0,34	0,23	0,46	0,09	0,22	0,41	0,30	2,06
Пахтачи т.	0,34	0,21	0,45	0,08	0,19	0,36	0,30	1,93
Самарқанд т.	0,53	0,26	0,66	0,11	0,45	0,67	0,48	3,15
Тайлоқ т.	0,39	0,23	0,50	0,12	0,21	0,54	0,35	2,34
Ургут т.	0,63	0,24	0,71	0,10	0,47	0,53	0,57	3,24

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

